



Научно-практический электронный журнал

МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



Выпуск №71 (том 1)
(апрель, 2025)



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №71 (том 1) (апрель, 2025).

Дата выхода в свет: 30.04.2025.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



СОДЕРЖАНИЕ

Название научной статьи, ФИО авторов	Номер страницы
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ	
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ Богданова Е.С.	8
СПЕЦИФИКА ОСНОВНЫХ ЭТАПОВ ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКОГО ОБСЛЕДОВАНИЯ Караванов А.А., Богословский П.В., Филоненко Л.В.	16
ОСОБЕННОСТИ НАСЛЕДОВАНИЯ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Иванова Ю.М., Чистякова П.С.	29
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МЕЖДУНАРОДНОГО УСЫНОВЛЕНИЯ Третьякова А.А., Киек Д.В.	36
ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РАСПОРЯЖЕНИЯ ОБЩИМ ИМУЩЕСТВОМ СУПРУГОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Гузиченко Е.В., Смирнова Е.Д., Буторина Т.Н.	43
ПРОБЛЕМА ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ПРАВОМ В СФЕРЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ЧАСТНОГО ПРАВА Обухов А.А., Калинин В.А.	52
КОЛЛИЗИОННО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ БРАКА И РАЗВОДА Косолапов С.А., Репин В.А.	60
ИНСТИТУТ РЕТОРСИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Буторина Т.Н., Демидова А.А., Рыбина Я.В.	69
ЗНАЧЕНИЕ ПЛАСТИКОВЫХ ТРУБ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ Сейтиев А.С., Атаев О.К.	76
ОПРЕДЕЛЕНИЕ МЕСТА ЖИТЕЛЬСТВА РЕБЕНКА ПРИ РАЗВОДЕ РОДИТЕЛЕЙ ИЗ РАЗНЫХ СТРАН Бердинских А.А., Титизян А.А.	82
АКЦИЯ ДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УНИНГ САМАРА ДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ Олтаев Ш.С.	91
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ Олтаев Ш.С.	97
ДАВЛАТ МОЛИЯСИ СОҲАСИДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ Олтаев Ш.С.	103
МАМЛАКАТДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	111



Олтаев Ш.С.

СамИСИ доценти, и.ф.н.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Акциядорлик жамиятларда инновацион фаолиятни бошқаришнинг самарали механизмини яратиш, корхоналарнинг инқироз ҳолатидан чиқиш йўлини инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида бозор талабларига жавоб берадиган янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали таъминлаш мумкин. Янги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишининг энг муҳим таркибий қисми жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

2006 йилдан бошлаб иқтисодиётни модернизациялаш сиёсатининг иқтисодий ислоҳотларда кун тартибидаги долзарб масала сифатида майдонга чиқиши ёки 2017 йилдан иқтисодий ривожланишнинг фундаментал асосини ташкил қилувчи Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича янги курсдаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши миллий инновацион тизимларнинг давлат ва корпоратив молиялаштириш манбаларини янада кенгайтириш бўйича ислоҳотларни амалга оширилишига сабаб бўлган.

1-жадвал

Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари, млрд. сўм

№	Молиялаштириш манбалари/Йиллар	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиш, %да



1.	Корхоналар хусусий маблатлари	213,4	2501,5	1381,5	1251,8	1180	553,0
2.	Хорижий инвестиция кредитлари	39,9	1228,7	32,3	156,6	314,9	789,2
3.	Тижорат банклари инвестиция кредитлари	26,8	533,5	262,5	280,1	157,3	586,9
4.	Давлат бюджети ва мақсадли фондлар	31,7	370,6	2081	3839,7	919,1	2899,4
	Жами	311,8	4634,3	3757,3	5528,2	2571,3	824,7

Бунда умумий тарзда инновацияларни молиялаштиришнинг манбалари институционал инвесторлар кесимида қуйидаги жадвалда келтиришимиз мумкин.

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги маҳсулотларни ўзлаштириш сиёсатини ўзида мужассамлаштирувчи инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимида корхоналар хусусий маблағлари 2016 йилда 213,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда кескин ўсиш кузатилиб, 2501,5 млрд. сўмга етган.

Ушбу жараён Ўзбекистонни 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 2017 йилга мўлжалланган устувор вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ тизимли ислоҳотларга боғлиқ ҳолда ривожланган. Хусусан, ушбу йилда юқори технологик қуролланган саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, импорт маҳсулотларига қарамликни олдини олишга қаратилган маҳаллий хом ашёлар базасида юқори қўшимча қийматли товарлар (хизматлар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ ислоҳотларни саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида кенг жорий этиш бўйича



олиб борилган ислохотлар натижасида кузатилган. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос равишдаги “Ҳимоя ёстиғи” вазифасини бажарувчи чора тадбир сифатида миллий инновацион тизимда янги маҳсулотлар ва технологик қайта қуроллантириш сиёсати олиб борилмоқда. Ушбу сиёсат миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлик позициясини мустаҳкамланишига таъсир этмоқда. Ушбу чора тадбирлар иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини янада ривожлантиришга ички молиявий ресурсларни юқори даражада мобилизация қилишни талаб қилган.

2017 йилдан Ўзбекистон республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этилиши, мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини тизимли ташкил қилишда муҳим роль ўйнади.

Ушбу вазирлик Ўзбекистондаги мавжуд интеллектуал ва технологик салоҳиятни аниқлаш, уни ошириш имкониятларини руёбга чиқариш бўйича яхлит давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органи сифатида бир қатор вазифаларни амалга оширишлари белгиланган. Худудлар ва корхоналар кесимида янгиликларини яратиш, илмий ишланмалар яратиш ва улардан корхоналар фойдасини ошириш, илмий ютуқлари бўйича кенг кўламдаги илмий тадқиқотларни тизимли ташкил қилиш, инновацион ривожланиш контекстидаги инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш ва бошқа қатор тадбирлар амалга оширмоқда.

Юқоридаги фикримизнинг тасдиғи сифатида 2-жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2017 йилда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари таркибида иккинчи ўриндаги етакчилик хорижий инвестиция кредитларини ўзлаштиришга тегишли бўлиб, 1228,7 млрд. сўмни ташкил қилган. Ушбу инновацион ривожланишининг стратегик манбаи 2016-2020 йилларда хаотик равишда тебраниб борган бўлиб, қабул қилинган инновацион ривожланишнинг инвестиция дастурлари манзиллик рўйхатига киритилган лойиҳаларнинг молиялаштириш сифими бўйича сарф харажатлар ушбу тенденцияга асос



сифатида киритилади. Таҳлил қилинаётган даврдаги инновацион лойиҳаларни энг йирик масштабдаги молиялаштириш манбаи 2019 йилда давлат бюджети ва мақсадли фондлар молиявий ресурсларига тўғри келиб, 3839,7 млрд. сўмни ташкил қилган.

2-жадвал

Ўзбекистонда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари, жамига
нисбатан %да

№	Молиялаштириш манбалари/йиллар	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Корхоналар хусусий маблағлари	68,4	54,0	36,8	22,6	45,9
2.	Хорижий инвестиция кредитлари	12,8	26,5	0,9	2,8	12,2
3.	Тижорат банклари инвестиция кредитлари	8,6	11,5	7,0	5,1	6,1
4.	Давлат бюджети ва мақсадли фондлар	10,2	8,0	55,4	69,5	35,7
	Жами	100	100	100	100	100

Агар нисбий кўрсаткичларга мурожаат қиладиган бўлсак, жами инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда 2016 йилда корхоналар хусусий молиявий ресурслари 68,4 %ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб давлат бюджети ва давлат мақсадли фондлари 35,7 % ни ташкил қилмоқда (2-жадвалга қаранг).

Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банкларининг инновацион тавсифдаги инвестиция кредитлари 2016 йилда 8,6 % ни, 2020 йилга келиб эса умумий пасайиш тенденциясида 6,1 %ни ташкил қилмоқда. Ушбу жараён инновацион лойиҳаларнинг рентабеллик индексининг тижорат банклари кредит қийматидан нисбатан пастлиги ва шунингдек, ушбу лойиҳаларнинг юқори риск омилига боғлиқлиги билан изоҳланади.



Юқоридаги статистик маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларни тизимлаштириш мумкин бўлади:

биринчидан, корхоналарда инновацион шароитлар юзага келган илмий ғояларни тижоратлаш учун имкониятлар мавжуд;

иккинчидан, инновацион фаолликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, инвестицион жозибadorлигини нисбатан юқори кўрсаткичи уларни молиялаштириш манбаи таркибида корпоратив молиялаштириш манбаларини яъни тадбиркорлик субъектларининг хусусий маблағларининг сезиларли қисмини ички истеъмолга эмас балки инновацион тавсифдаги капитал сифатида сарфланишини тахминлаган;

учинчидан, кейинги 5 йил мобайнида инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати натижасида уни молиялаштириш манбалари таркибида давлат молиявий ресурсларининг улуши ортиб борган;

тўртинчидан, хорижий инвестициялар кенг жалб қилиш давлат сиёсатида юқори технологик тараққиётни таъминловчи, юқори қўшилган қиймат занжирини яратувчи инновацион ривожланиш тенденциялари учун асосий ишлаб чиқариш фондлари билан қуроллантириш устувор аҳамият касб этган

АДАБИЁТЛАР

1. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» ги ПФ-5264- сон Фармони.

3. www.stat.uz



4. Пардаев М.Қ., Олтаев Ш.С., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик–ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, 2018. СамИСИ, 240
5. Oltayev Sh.S. Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific Bulletin, 2024, 44, 38-43
6. Oltayev Sh.S. Quality of Education In Higher Education Institutions of Our Country and Innovative Directions of Increasing Competitiveness. Miasto Przyszłości, 2023, 42, 253–256
7. Oltayev Sh.S. Statistical Analysis of the Regional Development of Small Business and Private Entrepreneurship Activity (In the Case of Samarkand Region). Academic Journal of Digital Economics and Stability. 2022, 1 (24), 1-6
8. Олтаев Ш.С. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни. Интернаука, 2020, 57-58
9. Холикулов А.Н., Олтаев Ш.С., Рахимов А.А. Проблемы развития антимонопольного управления в контексте развития национальной экономики. Лучшая исследовательская работа 2021, 55-59
10. Oltayev Sh.S. The service sector as the enhancing in raising the standard of living of the population. Вопросы управления и экономики: современное состояние актуальных проблем ... 2020.
11. Oltaev Sh.S. Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2024, 2 (3), 273-280
12. Oltaev Sh.S. The Role Of The State In The Innovative Development Of Tourism. The American Journal of Management and Economics Innovations, 2021, 3 (10), 17-20
13. Олтаев Ш.С. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини оширишда давлатнинг роли. Интернаука, 2021, 50-53
14. Олтаев Ш.С. Ишчи кучи миграцияси тушунчасига берилган таърифларнинг таснифланиши. Scientific progress. 2021, 2 (4), 857-861